

У 373  
Х-32

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ  
КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ

Н.Х.ХАФИЗОВА

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ  
КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ  
УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ



Тошкент – 2011

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ КАДРЛАР  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ИНСТИТУТИ

**Н.Х.ХАФИЗОВА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ  
ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ-ХУНАРГА  
ЙЎНАЛТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ  
АСОСЛАРИ**

*Услубий қўлланма*

«Сано-стандарт» нашриёти  
Тошкент - 2011

## КИРИШ

УДК: 373.31  
ББК: 74.200.52  
Х-32

**Хафизова, Н.Х.**

Бошлангич синф ўкувчиларини касб-хунарга йўналтиришнинг услубий асослари: услубий кўлланма. - Т.: "Сано-стандарт" нашриёти, 2011. - 56 бет.

ISBN 978-9943-396-14-2

УДК: 373.31  
ББК: 74.200.52  
Х-32

Мазкур кўлланмада умумтаълим мактабларида ўкувчиларни касб-хунарга йўналтиришга оид дидактик материаллар ёритилган. Шунингдек, унда бошлангич синф ўкувчиларини касб-хунарга йўналтиришда таълим технологияларидан фойдаланиш шакллари, йўллари, услублари, воситалари, имкониятлари баён килинган. Кўлланмада бошлангич синф ўкувчиларини касб-хунарга йўналтириш кўникмаларини шакллантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича ўқитувчиларга услубий тавсиялар, айрим дарсларнинг ишланмалари ҳам тақдим этилган.

Услубий кўлланмадан умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, ўкувчилари, тадқикотчилар, шунингдек, мазкур муаммога кизикувчи кенг омма фойдаланиши мумкин.

**Масъул муҳаррир:** Р.Х.Джураев - педагогика фанлари доктори,  
профессор

**Такризчilar:** **М.Иноятова** - педагогика фанлари номзоди  
**Н.Исақулова** — педагогика фанлари номзоди

ISBN 978-9943-396-14-2

'Сано-стандарт" нашриёти |01|

Бугунги кунда мактабларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири мавжуд имкониятлардан фойдалангандан ҳолда хусусан, ота-оналарнинг бевосита иштирокида ўқувчиларни касб-хунарга тўғри йўналтиришдир. Таълим тизимида касб-хунарга йўналтиришнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш учун ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, қобилияти ва интилишларини инобатга олиш зарур. Ана шундагина ўқувчининг касбни тўғри танлаши учун реал имкониятлар юзага келади.

Маълумки, ўқувчиларнинг юксак тафаккур эгаси бўлиб етишишларида уларнинг ўзлари хоҳдаган, қизиқишлари ва майилликлари бўлган касб-хунарларни эгаллашлари муҳим ўрин тутади. Чунки ҳар қандай инсон ўзи мукаммал билган билимлар соҳасидагина изланишлар олиб бориб, шу соҳднинг ривожига хисса қўшиши мумкин. Шундай экан, ўқувчиларда бошлангич синflардаёқ ўкув фанларини сифатли ўзлаштиришлари билан бир қаторда уларнинг касб-хунар эгаллашлари учун дастлабки мотивация туйгуларини шакллантириб бориш масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Бошлангич таълимнинг бугунги кундаги ривожланиш асосларидан бири бу - ўқувчилар билан ноанъанавий услубда машгулотлар олиб боришидир. Техника шиддат билан ривожланаётган айни пайтда ўқувчилар учун қизиқарли бўлган инновацион методлардан унумли фойдаланибгина уларни касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкиллаштиришда самарали натижаларга эришиш мумкин. Чунки янгиликка қизиқиш, қайсиdir соҳага болаларча ҳавас туйгулари боланинг бирор-бир касб-хунарга анча илгари меҳр қўйишига сабаб бўлади. Болада меҳнатсеварликни ва турли касбларга бўлган қизиқишини, касблар олами ҳақидаги бошлангич тасаввурни ривожлантириш, касб танлаш билан боғлиқ бўлган келажакдаги "яхши хаёт"га қизиқишини шакллантириш уларни ўкув предметлари билан бир қаторда лаёқатлари, қобилияти, қизиқишига мое бўлган касблар билан таништириш жараёнини имкон қадар вактироқ бошлаш зарур. Одатда ўқувчилар орасида ўзлари танлаган касблар юзасидан тўла ахборотга эга бўлмасдан, касбнинг нуфузлилиги, кимгадир

ҳаваси, моддий ишлаб чиқаришцаги ўрни, "шерикларидан орқада қолмаслиги" каби сабаблар билан ўз олдиларига бирданига олий малака талаб қилувчи юксак қасбни эгаллашни мақсад қилиб қўйиш ҳолатлари кўплаб учрайди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва ўкувчиларни иктидорлари бор бўлган қасбларни эгаллашларига "биринчи ёрдам" албатта уларни кичик ёшларидан бошлаб қасб-хунарга йўналтиришdir. Бу йўналишда асосий масъулият бошлангич синф ўкувчилари ва ота-оналар зиммасига юкланди.

Ушбу қўлланмада бошлангич синф ўкувчиларининг дунёқарашларига мослаштирилган қасб-хунарга йўналтириш мазмунидаги эртаклар, хикоялар, топишмокдар, мақоллар, фанларга алоқадор топшириқлар, шунингдек, кроссворд ва ребуслар даре жараёнларида фойдаланиш учун берилган.

## ДАРС ЖАРАЁНИДА БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тадқиқот ишида бошлангич синф ўкувчиларининг мактабда оладиган назарий билими, амалий кўнкимга ва малакаларининг ўқув фанлари таркибини қасб-хунарга йўналтириш мазмунида ўрганишга алоҳида ўрин берилган.

Ўкувчиларни қасб-хунарга йўналтириш - ўкувчи-ёшларга келажакда ўзлари эгаллайдиган қасбларини аниқлаб олиши учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий-иктисодий, психологик, педагогик, тиббий-биологик ва ишлаб чиқариш техник тадбирларига асосланган тизимdir. [7;160]

Қасб-хунарга йўналтириш ишлари ўқитиш технологияси орқали амалга оширилади. Ўқитиш технологияси - таълимнинг фаолиятини шу билан бирга, келажакда билимларни меҳнат жараёнига татбиқ этишни таъминлайди, педагогнинг жадал ҳаракат килишига ва унинг ҳаёт йўлига самарали таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда ҳар бир ўқитувчининг бош вазифаси - бу нафакат ўкувчига билим бериш, балки инновацион технологиялардан фойдаланиб, уларда билим олишга бўлган қизиқишини уйготиш, мустакил, ижодий фикрлашга ўргатишdir. [7;64]

Дарс - таълим-тарбия жараёнини ташкиллаштиришнинг асосий шаклиdir. Унинг самарали ташкил қилиниши ўқитиш сифати, яъни, энг аввало, дарс мазмунига боғлик.

Шу ўринда савол туғилади. Агар дарс кўргазмали қурол ва техник воситаларисиз ўтказилган бўлса, уни замонавий дарс деб айтиш мумкини?

Техник воситалардан фойдаланиб ўтказилган дарс мазмунли, сифатли бўлиши табиий. Бундай дарс ўкувчиларга хиссий таъсир кўрсатади, ўтилган материални чукур ва пухта ўзлаштиришга ёрдам беради, фанга бўлган қизиқишини оширади, билимлар пухталигини таъминлайди.

Зеро пухта ўйланган услубларисиз дастурий материални

эгаллапши ташкиллаштириш мушкул. Ўқувчиларнинг изланышларига, фаол ва мустақил билим олишларига ёрдам берадиган, уларни ижодий фикрлашга ундайдиган ва фанга КИЗИҚИШИНИ ривожлантирадиган ўқитишнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш лозим.

Дарс жараёнида бошлангич синф ўқувчиларини ўқув фанлари таркибида касб-хунарга йўналтириш ишларини қўйидагича шакллантиришни тавсия қиласиз:

### ЎҚИШ ФАНИ

«Ўқишикитоби»да ўрганиладиган бадиий жанрларни бир неча турларга бўлиб, улардан фойдаланиш услубларини баъзи мисоллар ёрдамида таҳлил қилиб ўтамиш.

1. Бадиий матн. Улар қўйидаги методик коидалар асосида таҳлил қилинади:

1) асар мазмунини таҳлил қилиш билан тўлақонли ўқиши малакаларини шакллантириш жараёнлари айни бир пайтда олиб борилади;

2) асарнинг гоявий мазмуни, унинг тимсоллари, сюжета ва композицияси, бадиий-тасвирий воситаларини тушунтириш, ўқувчи шахсининг камол топишига самарали хизмат қиласи ҳамда унинг боғланишли нуткини ўстиради;

3) асар мазмунини онгли идрок этиш ва таҳлил қилишининг зарурий шартларидан бири ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибасига таянишdir;

4) бадиий асар таҳлилида ўқувчиларнинг билиш истагини фаоллаштириш, уларнинг атроф-муҳит ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва илмий дунёқарашларини шакллантириш зарурати инобатга олинади [21; 67].

Қўйида касб-хунарга йўналтириш мазмунидаги матнлардан мисол келтирамиз:

### КУЛОЛЧИЛИК

Кулолчилик касби жуда кадимий касблардан бири бўлиб, бир неча минг йиллик тарихга эгадир. Кулол лойга гўё жоп

багишлайди. У оддий лойга ишлов бериб, ундан турли хил керакли буюмлар ясади. Кулолчилик касбининг машаққати шундаки, ундаги барча иш жараёнлари кўл меҳнатида бўлади. Кулолларнинг саъи-харакатлари билан ҳозирги кунда кулолчилик касби санъат даражасига кўтарилган. Буюмлардаги халқона, тарихий ва миллий безаклар кулолчилик буюмларининг қимматини янада ошириб, дунёнинг турли томонларидан келган сайёхларни ўзига жалб этмоқда.

### КИМ БЎЛСАМ ЖАН?

Ўзбек халқи кадим-қадимдан касб-хунарни эъзозлаб келган, унинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлаш мақсадида ўғил-қизларини усталар кўлига шогирдликка бериб, касб-хунар ўргатган. Натижада, заргарлик, каштачилик, пичокчилик, тақачилик, чархчилик каби хунарлар унутилмай, давом эттирилиб келинмокда.

Инсон касб-хунарни ўз қизиқиши орзу истаги, мақсадидан келиб чиқиб танлаши лозимдир. Ҳар қандай хунарни пухта ва мукаммал эгаллаш учун шу хунар билан болаликдан шугуллана бошлаши керак. Қайсиdir касб ёки хунарга қобилияти бор инсон шу касб билан астойдил шугулланса, албатта юкори натижаларга эришади.

2. Ҳикоя. Ҳикояни ўрганиш услуби ҳақидаги фикрларни умумлаштириб, изоҳли ўхиш дарснинг режа вариантини методик тавсияларга суюнган холда қўйидагича белгилаш мумкин:

1) ҳикояда тасвирланувчи воеа содир бўладиган муҳитга ўқитувчи томонидан кискача тавсиф бериш.

2) ҳикоянинг бир дарсга мўлжалланган қисмини ўқитувчи ёки сухандонлиги чиройли бўлган ўқувчи томонидан ифодали ўқиш.

3) ўқувчilar ҳикоя мазмунини қай даражада идрок этаётганлигини билиш мақсадида сухбат ўтказиш.

4) тушунилишида мавхумлик сезилган сўз ёки иборалар, фанга яқин терминларнинг маъносини изоҳлаш.

5) хикоянинг саҳна вариантини ўқитувчи кўрсатмаси асосида яратиш ва образлар репликасини асар руҳига мое оҳангда ёдлатиш.

6) хикоя матнини кисмларга бўлиш ва ҳар бирiga сарлавҳатопиб, алоҳида-алоҳида режа тузиш.

7) хикоянинг маълум қисмини ифодали ўкиш ва режа асосида қайтадан баён қилиш [21;72].

Масалан:

## ҲУНАРМАНДБОЛА

Махмуд баҳорги таътилни шақарда яшайдиган амакисиникида ўтказди. У амакисининг ўғли Одил билан тенгдошлиги учун даров "тиллашиб" кетди. Болалар кун бўйи кўп қаватли уйлар орасидаги майдончада тўп тепишарди. Улар ўзларини машхур футболчиларнинг номлари билан аташаркан, Одил ўзини "Марадона" деб чакиришларини ёқтиаркан. Махмудни эса ҳозирча "янги бола" деб чакиришади.

Бир куни Махмуднинг амакиси дарвоза ёнида ўсаётган балхи тутга шакл беришга киришди. Кўм-кўк барг ёзган ортиқча новдаларни чопқида кесиб ташлади. Пешонасидаги маржон терни рўмолласига артиб бироз елпинди. Сўнг:

- Одил! Махмуджон билан кесилган новдаларни тўплаб, хув йўл четидаги ахлат қутисига ташлаб келинглар! - деди.

- Икки ўртоқ новдаларни бир неча кичик боғламларга боғлашиди.

Шунда Махмуд амакисига юzlаниб:

- Тандирда ёқмайсизларми? - деб сўради.

- Тандир йўқ-ку, жиян, — деди амакиси унга бепарво боқиб. Ана табиий газ, туну кун ловиллаб ёнади. Бозор ва дўконларда нон сероб.

- Унда мен сават тўқий қолай.

- Билганинги қил, жиян. Ҳовлини тозаласаларинг бўлгани.

Шу чоқ Махмуднинг кўз ўнгига қўшниси Толиб аканинг сават тўкишлари жонланди. Аввалига новдаларни узун-қисқалигига қараб саралади. Сўнг бақувват новдаларни таглик

учун қўйиб, ингичкарок эгилучанларини соч ўргандек орасидан чақконлик билан ўтказа бошлади. Одил эса унга қараб кўз узмай турарди. Сават тайёр бўлгач Махмуд токқайчини қўлга олди. Эҳтиёткорлик билан ортиқча новдаларни текислаб кесди. Уни кузатиб турган амакиси саватни қўлига олди-да:

- Қойил, жиян, зеҳнингга балли! - деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

## ОРЗУ

Иссик ёз кунларининг бирида етти яшар Бахтиёр дадаси билан тоғасиникига кетаётган эди. Йўлда улар жуда чанқашди. Дадаси машинасини тўхтатди. Чойхонага киришди. Чойхона анхор ёқасида жойланган бўлиб, нарирокда катта кўприк қурилаётган эди. Бахтиёр чой совугунча ўша ёқдан кўзини олмай, томоша килиб ўтири: булдозер оламни бузгудек гулдирар, катта самосваллар бетон келтириб ағдараарди. Юк кўтаришви кранлар узун-узун тўсинглани кўтариб, анхорга тикланган устунлар устига ётқизарди. Бир-икки киши чап қўлларидаги қора кўзойнакли, ҳокандозсимон нарсанни юзларига тутиб, ўнг қўлларидаги электр симларига уланган нарсанни темирларга теккизар, ундан чарс-чарс овоз чиқиб, атрофга учқун саҷарар эди.

Бахтиёр жуда қизиқиб қолди. Дадасига юзланиб:

- Улар нима қилишяпди? - деди.

- Кўприк қуришяпти.

- Одамлар анхордан ўтиши чунми?

- Ха. Одамлар ҳам ўтади. Автомабиллар ҳам, от-аравалар ҳам ўтаверади.

- Катта бўлганимда мен ҳам кўприк қураман.

- Қаерга қурасан ўғлим?

- Қишлоғимизга. Ҳовлимизнинг яқинидан ўтган анхорга. Дадаси мийигида кулди.

- Сени қара-ю у анхор эмас, ариқча-ку! Кўзичок юрса суви тўпигига чиқмайди.

Бахтиёр ҳам бўш келмади.

- Дада мен катта бўламанми?
- Албатта, катта бўласан ўғлим.
- Қўзичок-чи?
- У ҳам катта бўлади.
- Ариғимиз ҳам катта бўлади. Ўсиб анхор бўлганида кўпrik қуравераман.
- Қурасан, ўғлим, қурасан, - деди дадаси завқ билан кулиб.
- Бахтиёрнинг беғубор болалик орзуларига дадаси ҳам кўшилди.

## МЕҲНАТСЕВАРҚИЗ

Ахмаджон ака ва Ҳалима опанинг оиласи унчалик катта эмас. Уларнинг иккита фарзандлари бор. Ўғилларининг исми Бегзод ва қизлариники Сунбул.

Оиланинг катталари кун бўйи меҳнат билан банд бўлишади. Ишдан келгач эса оилавий дастурхон атрофида йиғилишади. Кечки овқатдан сўнг фарзандларига дарс тайёрлашлари учун ёрдам беришади. Сунбул ўзи жуда яхши киз аммо унинг табиатида эркалик бор. Шу сабабдан у кўпинча дарсларни тайёрлашда акаси ёки ойисидан ёрдам сўрайди. Натижада дарсларни яхши ўзлаштира олмайди ва кўпинча устозларидан дакки эшитади. Унинг баъзи дугоналари хаттоти дарсдан ташқари турли тўгаракларга ҳам қатнашишга улгуришади. Кунларнинг бирида дугонаси Шаҳнозанинг ойисини туғилган кунига Ҳалима опани ҳам таклиф қилишди. Шунда Ҳалима опа:

- Сунбул, қизим, қани тайёрланчи сени ҳам олиб бораман Шаҳноза билан ўйнаб келасан, - деди.

Улар меҳмонга боришса кўпчилик келиб бўлган экан. Анча пайт ўтмасдан гурунг, қизларининг фанларни ўзлашишлари, бўш вақтларида нималар билан шуғулланишлари ҳакида бўлди. Шунда Шаҳнозанинг ойиси қизидан фахрланиб:

- Қизимни бу йилги баҳоларидан жуда ҳам хурсандман, у ўкув дарсларидан ташқари рақс ва тикувчилик тўгаракларига ҳам қатнашиб уларни ҳам анча яхши ўзлаштиряпти. Ҳозир

сизларга қизим тиккан нарсаларни кўрсатаман деб,- қизининг хонасига кириб кетди. Ва зум ўтмасдан қизи тиккан қуғирчоқ кўйлаги, ёстиқча, рўмолчага тикилган гулли кашталарни олиб келиб, кўрсатди. Мехмонлар жуда қизиқиб томоша килишди. Шаҳнозанинг чаққонлиги, қизиқувчанилигига тан беришиди.

Сунбул ойисининг индамай томоша қилгани ва қизининг баҳолари ҳакида гапира олмай изза бўлганини кўриб, жуда хафа бўлди. Йўлда кета туриб:

- Ойижон хафа бўлманг, энди мен сирам дангасалик килмайман, дарсларимни ҳам ўзим тайёрлайман, - деди.
- Қани эди, қизим, шунда мен ҳам сен билан фахрланиб юрардим, - деди

Шу кундан бошлиб Сунбул дарсларини ўзи тайёрлайдиган, дарсларда фаол қатнашиб, кундалигига яхши баҳолар оладиган бўлди. Бунга ҳам қаноат килмай, тикувчилик тўгарагига аъзо бўлиб келди. Орадан вақт ўтиб, биринчи марта ўзи тугаракда игна санҷқич ёстиқча тикди. Шаҳноза ёстиқчани ойисига кутимаган совга қилмоқчи эди.

Ҳалима опа ишдан келса, уйлар саранжом-саришта, Сунбул эса дарс тайёрлаб ўтирибди. Ҳайрон бўлиб:

- Ха, қизим, уйимизга кимдир келдими, — деди.
- Ойижон хеч ким келгани йўқ. Келинг сизга бир нарса кўрсатаман, - деди-да, шошиб хонасига кириб кетди.

Ойисига кундалигидаги олган баҳоларини ва ўзи тиккан ёстиқчани кўрсатди. Ҳалима опа ҳайрон колиб:

- Баракалла, қизим, энди мен ҳам аълочи ва меҳнатсевар қизим бор деб, фахрланиб юраман, - деб Сунбулнинг пешонасидан ўпиб кўйди.

### 3. Эртак. Эртак ўқувчиларда:

- Ҳаётга ибрат кўзи билан қараш кўникмаларини шакллантиради;
- Табият ва ҳайвонот дунёси билан инсонларнинг яшаш тарзи орасидаги уйгунлик ҳамда узилмас ришталар мавжудлигини тушуна бошлайдилар;
- Рамзий маъноларнинг ҳаётий талқинларини эртаклар-

даги оддий деталлар ёки тимсоллар ёрдамида мушохада қилишга ўрганадилар;

- Нутқнинг содда ва мантикий бўлиши, ифодалилигини ўзлаштирадилар [21 ;76].

Қуида биз дарсликлар таркибида бўлмаган, бошлангич синф ўқувчиларида қизиқиш ўйғотадиган, меҳнатсеварлик ва ҳалоллик мазмунидаги ибратомуз эртаклардан намуналар келтирамиз:

### ЭРТАКЛАР - ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР. ЖОНКУЯР ДЕҲҚОН

Қадим ўтган замонда бир дехкон бўлган экан. У жуда меҳнаткаш бўлиб кунни кун, тунни тун демасдан ишларкан. Унга ҳар доимтидек ўзининг иш қуроллари дўст ва ҳамроҳ экан. У фақат шу қуроллари билан сирлашар, гаплашар экан. Уларни ишлатиб бўлгач артиб-суртиб, силаб-сийпалаб жойита қўйиб, кейин ўзи ухларкан. Кунлардан бир куни у жудаям зерикиб кетибди. Ўзи тоғни тепасидаги ерга ишлов бериб ишлагани учун атрофида бирон бир жонзорот йўқ экан. Дехкон ҳар доимтидек иш қуролларини артаётиб: Эҳ, қани эди, сизлар ҳам гапиришни билсанглар эди, мазза қилиб сухбатлашиб ўтирадик, - дебди ва чукур ух тортибди-да, бир муддат хаёллар оғушига берилиб кетибди. Анчагача шу алфозда ўтирибди-да сўнг худди бирор унга сув сепгандек сесканиб, "Э-э нималар деябман ўзи, ёлғизликдан алаҳсираб қолаяпман шекилли", - деб ўрнига кириб чўзилибди.

Ярим тун бўлгач, иш қуроллари секин-аста жонланана бошлабди. Аслида улар ҳар тун шунаقا жонланар, фақат уни дехкон билмас экан. Чунки у дала ишидан хориб-чарчаб келаркану, чала-ярим овқатини еб, ўрнига кириб чукур уйқуга кетар экан.

Бу сафар дехкон қанчалик чарчамасин, сира уйқуси келмабди. У ёнбошига ағдарилибди, бу ёнбошига ағдарилибди, барибир бўлмабди. Шунда унга иш қуроллари турадитан жойдан қандайдир такир-тукур, шивир-шивир овозлар келаётга-

нини эшитиб қолибди. Аввалига ҳайрон бўлибди, бир оз қўрқибди ҳам. Лекин қизикиши устунлик қилиб, "у нима экан" дея секин мўралабди. Не кўз билан кўрсинки иш қуроллари бир-бирлари билан гаплашаётган экан.

Дехқоннинг капалаги учиб кетибди. Кўзларини ишқалаб, "балки бу тушдир" деб ўзини чимчилиб ҳам кўрибди. Иўқ, туш эмас экан. У иш қуролларининг сухбатини эшитиши маъкул кўрибди...

Ванихоят теша керишиб, қимирлаб қўйибди. Кейин кетмон, белкурак, ўрок ва бошқа асбоблар ҳам жонланана бошлабди. Ва нихоят теша тилга кириб:

- Сохибимиз бизни ишлатадилар-у, сирларимизни билмайдилар. Унинг сўзларини эшитишимишини ҳатто тасаввур ҳам кила олмасалар керак.

- Ҳа нимасини айтасан. У бизга жуда меҳрибон. Доим бизни ишлатиб бўлгач ювиб-тозалаб қўяди, - дебди кетмон.

- Бизни аяб ишлатади, - дебди теша. Бирдан ҳамма иш қуроллари такир —тукур қилиб тешанинг гапини маъкуллашибди.

- Афсус, шунча меҳнатининг фойдасини бошқалар кўради-да. Қани эди бизнинг ҳам қўлимиздан унга ерда ёрдам беришдан бошқа бирон нарса келса, дея хўрсиниб қўйибди - белкурак. Шунда кетмон гапга қўшилиб, шундай дебди:

- Мен қандай ёрдам беришни биладиганга ўхшайман.

- Э-э у нима деганинг. Сен ниманидир биласан-а - дебди ўрок.

- Ҳа-ҳа, мен ҳам қўргандим сохибимиз, сен билан ерга ишлов бераётганда тишинг нимагадир такиллаб урилган эди. Лекин сохибимиз бунга эътибор бермасдан кетганди - дебди белкурак.

- Ха, ўша ерда, албатта, қандайдир бойлик борлигига аминман, дебди кетмон.

Шундай қилиб асбоблар ўзаро келишиб, ўша сирли жойга дехконни бошлаб бормоқчи бўлишибди. Аммо заҳмат-каш дехкон ҳаммасини эшитиб турган эди.

У асбоблар айтган жойга бориб ўша жойни ковлаган

экан, бир кичик хумчада олтин тангалар борлигини кўрибди. Дехкон шундан кейин ўзининг иш куролларига, ўзи севган касбига янада кўпроқ меҳр кўйиб, фидокорона меҳнат қила бошлабди ва ўша бойликларини жой-жойида сарфлаб, фаровон хаёт кечирибди.

## СОДИҚСАВДОГАР

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда бир улуғ ва одил подшо ўтган экан. У ҳар бир сўзи ва амалда мулоҳаза билан иш юритар, ўз халқига содик экан.

Кунларнинг бирида подшонинг газнасига ўғри тушганини хабар қилишибди. У вазирлари билан воқеа содир бўлган жойга етиб борибди. Хазинага лаҳм кавланган, ҳамма олтин ва қимматбаҳо буюмлар қопларга солинган, лекин ҳеч нарса ўғирланмаган экан. Подшо ҳайрон бўлиб хазинанани тафтиш қилдирибди. Ҳакиқатан ҳам, ҳеч нарса йўқолмаган эди. Подшо лол бўлиб қолибди.

Наҳот шунча кун лаҳм кавлаб, ғазнага етиб келган инсон ҳеч нарса олмаса. Бунинг боиси не. Бу муаммога ҳамма ҳайрон. Шунда шоҳ жар чакиририб шундай дебди: "Ким шу ишни қилган бўлса гуноҳидан ўтдим, фақат ҳеч нарса ўғирламаганининг сабабини айтиб берса бўлди".

Орадан уч кун ўтиб, подшо ҳузурига бир йигит келибди. Унинг одоби ва юзидағи қаъйилиги подшога хуш келибди. Йигитнининг хожатини сўраганида у дебди.

— Подшоҳим, аввало мен гуноҳкорни бир қошиқ қонимдан ўтинг. Сизнинг газнангизга ўғирликка кирган менман. Чунки муҳтоҷлик мени шунга мажбур қилди. Асли ўғри эмасман, касбим савдогарлик. Касбимнинг устасиман. Шу орқали оиласми, болаларимни ҳалол луқма билан бокдим, жуда кўп меҳнат қилганим, шунингдек, савдогарлик сирларини яхши билганим учун жуда кўп бойлик ортиридим. Бор мол-мулкимни олиб йўлга чиққанимда қароқчиларга олдириб қўйиб камбағал бўлиб колдим. Мусофири, савдогарликдан бошқа касбим йўқ. Сармоям қолмаганилиги

сабабли савдо-сотик билан шуғулана олмайман. Ўйлаб-ўйлаб хазинангизга ўғирликка тушишга жазм қилиб, бир неча кун лаҳм кавлаб у ерга кирдим. Бор бойлигингизни қопларга жойладим. Шу вакт оёғим нимагадир урилиб, йиқилиб тушдим. Бирдан ҳушим ўзимга келди-ю, қандай иш қилиб қўйганимнинг маъносини тушундим. Шунда отамнинг насиҳатомуз сўзлари эсимга тушди. Ва мен шунча лаҳм кавлаб қилган харакатимдан кечиб ғазнадан чиқиб кетдим.

- Отанг қандай сехрли сўзларни ўргатган эдики, сен шунча бойликдан воз кечдинг, — деди подшо

- Отам менга "Бой бўлишнинг сири — меҳнат ва ҳалолликдир. Сен ўз касбингни устаси бўлсанг, ҳалол ишласанг албатта бой бўласан", деган эдилар деб жавоб қайтарибди.

Подшо сукут сақлаб сўнгра дебди:

- Эшитинг эй вазир ва нозирларим. Мана бу йигит касбига содиқлиги ва ҳалолиги учун шунча бойликдан воз кечибди. Бугундан эътиборан шу бола менга ўғил ва меросхўр, мендан кейин таҳт вориси ҳам шудир. Чунки неча йиллар тузим ва шоҳона дастурхоним меҳмонлари менга қанчалар хиёнат қилдилар, улар ҳеч қачон шу йигитчалик ҳалол бўла олмайдилар. Эй йигитларим ундан ўrnak олсангиз, охири баҳайр бўлгай.

## ҲУНАРСИЗ ОДАМ

Қадим замонларда яшаган бир киши бир куни подшога арз қилибди:

- Подшоҳим, мен ҳалол меҳнатим билан рўзғор тебратаман деб қанча харакат қилмай, сира косам оқармаяпти. Муҳтоҷлик эзиб юборди. Уйда болаларим оч ўтирибди. Маслаҳат беринг нима қилай.

- Отанг қандай касб билан машғул бўлган?

У одам жавоб бермабди.

- Нима иш бажарган деябман? Гапир нега жимсан.

- Айтишга нокулай-да, - дебди йигит.

- Яъни.

— Отам ўғри бўлганлар. Ўғрилик орқасидан кун кўрганлар.

- Хм.... Бўпти-да. Сен ҳам ўғри бўл. Шунда яхши яшаб кетасан. Ота касбини хор қилган одамнинг ўзи хор бўлади. Сенга рухсат бердим, - дебди подшо у ни синаш учун.

Иигит уйига авзойи бузилиб қайтиби: "Бу не кўргилик. Ахир ўғрилик килиш катта гунох-ку. Подшохга паноҳ истаб борсам, ўғрилик қилишга буюргани ғалати-ку. Бу ёқда болаларим оч ўтириби. Нон деб йиглайди", - деб хаёл сурнибди.

Уйлаб-ўйлаб охири болаларини йигисига чидай олмай ўғрилик қилишга аҳд қилиби. Тунда керакли анжомларини олиб энг катта бойнинг ховлисига ўғриликка тушибди. Караса ҳовлисида от боғланган туриби. Уни ечиб дарвоза томон яқинлашар экан, бирдан ўйга чўмиби: "Эртага хонадон соҳиби бирон жойга иш билан бормоқчи бўлганида, караса уловини умарив кетишган. Бечора нима қиласи", - деб ўйлаб отни жойига олиб бориб боғлабди-да, ўзи жуфтакни ростлабди. Уйга келиб караса, шўрлик хотини ўчокка олов ёкиб, қозондаги қуруқ сувни қайнатиб ўтирган эмиш.

Эртаси куни тунда яна ўша бадавлат хонадонга бориби. Бу гал оғилхонадаги сигирни ўмармоқчи бўлиби. Уни етаклаб кетаётуб яна ўйлабди: "Бойнинг мен каби ёш болалари бордир. Улар эрталаб ширчой ичиши, қаймоқ ейиши керак..., мен бўлсан сигирни ўғирлаб кетаяпман. Йўқ бу инсофдан эмас" - дей молни жойига олиб бориб боғлаб, ўзи қайтиб чиқиб кетади.

Хуллас ҳар тун ўғирламоқчи бўлган нарсалари бойга "керак" бўлиб чиқаверади. Шунда бирор бир касбнинг бошини тутмаганига, ёшлигини ўйинқароқлик билан ўтказганига жудажуда афсусланибди. Унга бирор-бир хунар ўргатмаган отасидан ҳам ранжиби. Аммо энди кеч эди. Оч қолган болаларини эслаб: "Ҳалол яшайман дебману, лекин ҳалол яшаш учун бирор-бир касбни ўрганмабман", - деб юраги эзилиби. Бу гал ҳам қуруқ қайтмайин деб, уйдагиларни алдаш учун копига тандирдаги кулдан тўлдириб олиби-да, уни орқалаб жўнабди.

Қопни ҳовлида қолдириб, уйга кирибди. Хотини унга умидвор карабди. "Суюнчи бер хотин бир қоп олтин келтирдим. Ана ҳовлида туриби. Шундан бир ҳовучини олда бозордан егулик ол!".

Аёл чиқиб қараса, ҳақиқатан ҳам катта бир қоп олтин тирбанд бўлиб турган эмиш. Керагини олиб бозордан егулик олиб кел дебди. Мўъжизани қарангки, унинг ҳалоллиги учун Оллоҳ унга бир қоп олтин инъом этиби. Подшони айтганини қилди, яъни у қўлидан ҳеч нарса келмагач ота касбим деб гўё ўғриликка чиқкан бўлди. Унинг ҳалоллиги ва чорасизлиги учун Оллоҳнинг раҳми келиб, уни мукофотлади. Факир одам ўз хаётидан тўғри хулоса чиқарди. У болаларини ўзи сингари отасидан норози бўлиб яшамасликлари ва ҳалол йўлдан адашмасликлари учун топган олтинини фақат уларнинг бирор-бир касб-хунар эгаллашлари учун сарфлашга авд қилди.

## ЛУҚМОНИ ҲАКИМ - БҮЮК ТАБИБ

Луқмони ҳаким ўз истеъоди билан табиблар пирига айланган экан. Унинг шогирдлари ичиди Абу Толиб дегани барча шогирдларига бош экан. Кунлардан бир кун Абу толибни шайтон йўлдан уриб, ҳатто устозини ҳам назари илмай қолиби. У ҳамма жойда мактаниб, устозидан ҳам ўзиди кетганини кўз-кўз қила бошлабди. Бу гапни Луқмони ҳакимга бир неча бор етказишибди. Лекин у оҳиста табассум қилиб: "Тўғри, шогирдим мендан ўзиди кетган мен бундан фахрланаман", - деб қўя қолар экан.

Кунлардан бир куни подшо мажлисида Абу толиб мактаниб турса, бу ерга чақирилган Луқмони ҳаким ҳам келиб қолиби. Лекин Абу Толиб устозини менсимай мактанавериби. Шунда шоҳ Луқмони ҳакимга қараб: "Эй ҳаким сизни ўлимдан бошқа ҳамма дардга даво топган инсон деб билар эдик, наҳотки шогирдингиз сиздан устун бўлса..." - дебди. "Тўғри шогирдим қанча униб-ўсса мен хўрсандман, чунки у мени мевам", - деб жавоб қайтариби.

- Йўқ. Биз буни амалда кўришни хоҳлаймиз. Иккингиз

бир-бириңизга қарши захар тайёрланг. Ким тирик қолса ўша күчлидир, - дебди подшох.

Луқмони ҳаким сукут қилибди, лекин унинг шогирди бу шартга дарров рози бўлибди ва уч қунга муҳлат сўрабди.

Шогирд уч кунда шундай бир захар тайёрлабди, унинг бир томчисига ҳатто фил ҳам бардош бера олмас экан.

Луқмони ҳаким ҳам шу заҳарга қарши дори тайёрлаб, битта катта одам сиғадиган хумчага сут тўлдиртириб, тўртта қўлда кўтартириб мажлисда ҳозир бўлибдилар.

Шогирд ўзини номойиш қилиб тайёрлаган заҳарини бир томчисини ерга тўкибди, заҳар ерда кайнаб ўн метр ерга кириб кетибди. Буни кўрган Лўқмони ҳакимни душманлари хурсанд бўлишибди.

Луқмони ҳаким хотиржам ечиниб шогирдинг тайёрлаган заҳарни ҳаммасини ичибди. Сўнг ўзи тайёрлаган заҳарга қарши дорисини ҳам ичиб бўлгач, сут тўла хумга тушиб ўтирибди. Захар таъсиридан хумдаги сут яшил рангга кирибди. Бошқа шогирдлари ҳакимни кўтариб уйларига жўнашибди.

Эртаси куни мажлис яна йигилиб ҳакимни уйидан хабар кутишибди. Шу пайт сал ранги саргайган ҳаким кириб келибди. Ҳамма эсанкираб колибди. Чунки унинг тирик колишига ҳеч ким ишонмаган эди. Подшо унга қойил қолиб энди шогирдига қарши дори тайёрлашга буюрибди. Шунда ҳаким: "Майли мен енгилдим, шогирдимга заҳар тайёрламайман", - дебди, шогирди эса ҳали ҳам гердайиб: "Йўқ заҳар тайёрланг", - деб туриб олибди. "Эҳтимол мен ҳам тирик қоларман, шунда жанг яна давом этади". "Унда заҳар қирқ кунда тайёр бўлади", - дебди-да, Луқмони Ҳаким кетибди. Ҳаким тўртта мардикор ёллабди. Шогирди яшайдиган уйни орқасидаги уйни ижарага олиб, мардикорларга кўчага чикмасликни, уларнинг иккиси тонгдан то қоронғугача навбат билан худди бир нарса янчиётгандек бўш копни уришини тайинлабди. Бу ҳол қирқ кун давом этибди. Бечора шогирд қирқ қунгача устози қандай заҳар тайёрлайтганини била олмай, кечалари вахима билан ухлай олмай, озиб чўпдай бўлиб, мажлисга келибди. Ҳаким эса кудукдан тиник сув олиб бир чиройли кўзачага қуйиб дабдаба

билан саройга келибди. Оёғида зўрга турган шогирдига раҳми келибди ва юпун, оч нахор ҳолда шогирдликка келгани, ўз зехни билан устозини қувонтирганлари эсига тушиб қўзига ёш олибди. Шогирдига қараб "Эҳтимол заҳарни ичмассан", - дебди. Шогирди эса ранги оқариб, юзидан кони кочиб кўзачадаги заҳар ўрнидаги сувни ичиб жони узилибди.

Шунда мажлис аҳди ҳакимга нафрат билан қараб: "Наҳот шундай ёш йигитни ўлдириб юборсанг", - дейишибди. Ҳаким эса кўзачадаги сувдан бир неча қултум ичиб, бунинг оддий сувлигини, шогирди заҳарни эмас манманлик қурбони бўлганини, эгаллаган касбини ўз ўрнида ишлата олмай, маъсулиятсизлик қилганини изоҳлабди. Мажлис аҳли кўзачадаги сувдан тотиб кўриб ҳакимнинг зукколигига қойил колишибди.

*Ҳалол меҳнат, қасб-хунар эгаси бўлишининг ажойиб томонлари ва илмсизликнинг хунук оқибатларини аён қиласидиган мазмундаги эртаклар, ҳикоялар, бадиий матнлар ўкувчиларни мустақил фикрлашга, керакли хуносалар чиқаришга ундаиди. Биз назарда тутаётган бошлангич синф ўкувчилари айнан эртак, ҳикоялардан баҳра оладиган, ҳаётда кўрган воқеаларидан қўра қрпроқ ўқиганлари ва эшиштганларига ишонадиган, цаҳрамонлар билан ўзларининг оламларида гаплаша оладиган ёшда бўлишади. Шунга қўра, уларни дарс жараёнларида ўтиладиган баъзи мавзулар юқоридаги услубларда қизиқарли қилиб тушунтирилса, ўкувчиларнинг ўзлаштиришларини енгиллаштиради.*

4. Масал. Масал ўрганиш дарси қандай усулда ташкиллаштирилишига қарамасдан унда қуидаги тамойилларга амал килинади:

- масалнинг ғоявий мазмунини аниқ идрок этиш;
- масал персонажларининг ўзига хос хулқ-авторини, уларни қамраган мухит реаллигини аниқлаш;
- киноявий маънони очиш;
- масал тилига эътибор қаратиш;
- масал хуносасини мухокама этиш [21;82].

Масаллар билан ўкувчиларни таништирганда, ўқитувчи-

дан атрофлича таҳлил талаб этилади. Масалан, меҳнатнинг қадри мазмунидаги масаллар:

## ЎРОҚ ВА КОНБАЙН

Катта комбайн бепоён далада буғдойни ҳаш-паш дегунча ўриб қўйди. Донини ажратиб поясини ғарамлади. Буни ўроқ кўриб турган эди. У кувонганиданми, аламиданми ҳўнграб йиғлаб юборди. Унинг йиғисини эшитган конбайн Ўроқка яқинлашиб:

- Ҳа, Урок бува нима бўлди сизга? - деди.

- Ҳеч нарса, шунчаки ўзим, сени қўриб аввалги вактлар эсимга тушиб кетди.

Мана шу ердаги буғдойни неча кунлаб зўрга ўрадим. Ўравериб-ўравериб қадим ёйдай букилиб кетган. Сен эса бир пастда қанчадан-қанча буғдойни ўриб саралаяпсан. Сенга жуда ҳавасим келяпти Комбайнжон! Техника зўр нарса экан-а? Бир зумда шунча ишларни бажардинг. Мен эса, бу ишларни бир неча кунда зўрга қилардим, - деди Ўрок хўрсиниб.

## БОЛАРИ ИЛА ПАШША

Бир пашша кир тарафдан учиб келаётган арини қўриб:

"Дўстим қайдан келурсан? - деди. Ари: "Қирдан келурман. Бироз бол йиғдим. Уй ясамоқ учун мум ҳам ҳозирлаб келдим", - деди. Пашша: "Ох, биродар! Бир бошинг учун мунча харакат қилурсан! Нима бўлурки, сан ҳам ман каби роҳатда яшасанг. Чунки менинг яшамоғимдан ҳеч бир машакқат йўқ. Инсонлар тарафидан ҳозирланган дастурхонлардан ҳар хил таомларини еб-ичиб умр ўткарурман. Баъзи вактларда сани ясаган болингдан ҳам тўйгунимча ерман. Мана! Яшамоқ, мана! Умр кечирмоқ учун оламда мундан яхши турмуш бўлурму? На манда бол ҳозирламак машакқати ва на уя солмоқ кулфати бор", деди. Ари бу сўзларга жавобан дедики:

"Ох, дўстим! Бу сани турмушинг ўз бошингдан бери келмасун. Машакқатсиз таомда лаззат бўлурму!

Инсонлар сени супрадан куварлар, уарлар, ўлдираплар. Сен оламда ўғрилар каби умр ўтказурсан. Охирда бир ўргимчак лукмаси бўлмакдан бошка бир нарсага ярамассан. Аммо манинг тайёрлаган мумим ҳамма ибодатхоналарни ёритар. Болим дуёнинг ҳамма еринда мақбулдир. Инсонларнинг оғизларини тотли қилур. Шу сабабли инсонлар мани ўзлари тарбия қилурлар ва ҳар ерда мани мақтарлар, қўй, биродар, мани ишим қўп, сан ила беҳуда сўзларни сўзлашиб турурга вактим йўқ", деб учиб кетди.

*Ни wa маълумки, масалларнинг аксарияти меҳнат ва ҳалолликни улуглаш мазмунида бўлади. Даре жараёнида масаллардан фойдаланиш айникса, 1-2-синф ўкувчилари учун анча самарали натижса беради. Чунки масаллардаги тилга кирадиган ва инсонлар бажарадиган вазифаларни уddyалайдиган ҳайвонлар, турли меҳнат куролларининг образли ҳаракатлари болаларда кизикиши ўйготиб, масалларда содир бўладиган воеалар ривожини синчковлик билан кузатиб боришлари билан бир каторда уларнинг ёдиди узок, вактгача сакланиб крлишига сабаб бўлади.*

5. Шеър. Шеър ўрганиш дарелари куйидагича ташкил этилади:

- шеърни ифодали ўқиши;
- нағис туйгу ва товланиб турувчи кайфиятни ифодалаш;
- изоҳталаб сўзларнинг маъносини тушунтириб бериш [21;84-85].

Шеър ўрганиш ва ёд олиш машқлари болаларда адабиётга, санъатга бўлган кизиқишлигини орттириш билан бир каторда уларнинг хотираларини мустахкамлашга ҳам ёрдам беради. Шунингдек, шеърий усулдан барча фанлар такибида фойдаланиш имконияти ҳам мавжуддир. Кўйида тадқиқотчи томонидан тавсия этилган касб-хунарга йўналтириш мазмунидаги шеърлардан намуналар келтирамиз:

## КАСБ-ХУНАРГА ОИД ШЕЪРИЙ ПАРЧАЛАР

### ҚУРУВЧИ

Қурувчи меҳнат қиласы,  
Үйлар чиройли бүлсін деб.  
Турли бино, мактаб қуар,  
Хамма хурсанд бүлсін деб.

### ҲАЙДОВЧИ

Ұзғимизни қилиб яқин,  
Меҳнат қиласы ҳайдовчи.  
Етиб олиб манзилга,  
Дуо қиласы йүловчи.

### ДУРАДГОР

Дурадгор ясар бизга  
Турли рұзғор анжомлар,  
Айтинг нима керак сизга,  
Ясар мебел, әшик, ромлар.

### БОҒБОН

Боғу-рөглар яратар,  
Баракали боғбон касби.  
Мевалар бүй таратар  
Хамманинг бордур хасми.

### ҲАРБИЙ

Паҳлавонлар ҳарбийлар,  
Қўриқлади ватанни.  
Ҳалқимиз тинч бүлсін, деб,  
Багишлар жону-тани.

### ҮҚИТУВЧИ

Бизга ҳарфни танитган  
Билим берган үқитувчи,  
Ҳаёт йўлин ўргатар,  
Миннатдордир үқувчи:

"Сизга мингдан минг раҳмат,  
Мехнатсевар устозим.  
Юртга қиласиз хизмат,  
Устозларга эса, таъзим.

### КУЛОЛ

Лойга гүё бериб жон,  
Буюмлар ясар кулол.  
Кўрганлар полу-ҳайрон,  
Касбидир жуда ҳалол.

### УЧУВЧИ

Парвоз қилиб самода  
Учувчи кўп учади  
Бу касбнинг эгалари  
Булутларни қучади

Юцоридаги шеърий парчаларнинг бошлангич синф ўқувчишари учун содда ва тушунарли сўзлардан тузилганлиги ўқувчарни тезда ёд олишиларига ва мазмунига осон тушунишларига ёрдам беради. Ўкувчи шунга ўхшаши шеърларни ёд олар экан унинг мазмунин орцали ҳаётда кўп учрайдиган касбхунарлар ҳақида цисцача маълумотга эга бўлади. Ва ўзи билмаган бирор-бир касбга нисбатан қизиши ортиши ҳам мумкин. Бошлангич синф ўқувчилари учун тузилган бундай шеърий парчалар болаларнинг даре жараёнида дам олиш дацциаларида фойдаланишида ҳам зарурий еосита ҳисобланади.

**6. Илмий оммабоп мақолалар.** Бошланғич таълимда илмий-оммабоп мақолаларни изоҳли ўқиши дарси қуйидаги тартибда ташкиллаштирилиши мумкин:

- ўрганиладиган матн юзасидан ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси ва билимини аниқлаш мақсадида муаммоли вазият яратувчи савол-жавоб усулидан фойдаланиш;
- мақола тахлилига киришдан аввал матн луғати устида ишлаш;

- мақола матнини ифодали ўкиш ва унинг режасини жамоа бўлиб тузиш;
- режа асосида хикоя килиш;
- мақоланинг ғоявий мазмунини хикоя қилишда таниб ўкиш, кисқартириб хикоя килиш усулидан фойдаланиш;
- умумлаштириш ва хуласалаш;
- мақолага мустакилижодий муносабат билдириш [21;90].

Куйида муаллиф томонидан тавсия қилинадиган каеб-хунарга йўналтириш мазмунидаги турли хил касб-хунар соҳаларида юқори натижаларга эришган касб эгалари ҳақидаги маълумотларни тўғридан-тўғри эмас балки, ўқувчилар учун қизиқарли бўлган бадиий тилда баён қилинган "Касбим-фаҳрим" рукнидаги мақоладан парча келтирамиз:

### **КАСБЛАРИДАН ФАХР ТОПГАН ҚАҲРАМОНЛАР**

Мехнат инсонга бахту саодат келтиради. Ҳалол меҳнат инсонга завқ-шавқ, роҳат бахш этади. Обрў-эътибор қозониш ҳам ҳалол меҳнат орқасидандир. Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўз касбларининг ҳақиқий усталаридир. Улар йиллар давомида машакқатли меҳнат қилиб, ўз касблари орқасидан юксак мартабалар, юқори натижаларга эришишган. Бундай инсонларга мисол қилиб, юртимизда бир неча йиллардан бўён ўз касбининг мохирларига берилаётган "УЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ" унвонини олган машакқатли касб эгаларини олишимиз мумкин. Улардан бири:



**Мавлуда Исматова - ўқитувчи**

Иш фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлаб, мактаб директорлигигача бўлган машакқатли йўлни босиб ўтган. Укувчиларга берган билимлари, ёшларга таълим-тарбия беришдек маъсулиятли ишга қўшган салмоқли хиссаси ва машакқатли меҳнатларининг самараси улароқ "Халқ таълими аълочиси", "Халқ

ўқитувчиси" ва ниҳоят 1999 йилда энг шарафли мукофот — "Ўзбекистон қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган.

Бундай инсонларни жуда кўплаб санашимиз мумкин. Масалан:



**Умаров Холхўжа — қурувчи-уста**

Ўз меҳнат фаолиятини 1977 йилда сувокчи қурувчилар бригадасида бошлаган. У ўзининг меҳнат фаолияти давомида айниқса 1990 йиллардан кейин пойтахтимизнинг чироийга чирой қўшиб турган кўплаб иншоатлар, кўркам бинолар курилишларида жонбозлик кўрсатиб, ўз касбининг мохир устаси эканлигини исботлади ва давлатимиз бу инсонни "Ўзбекистон қаҳрамони" унвонига лойиқ кўрди.



### **Муминов Қобул - чилангар**

Бу инсон ўз меҳнат фаолиятини тракторчининг ёрдамчиси вазифасидан бошлаган. Кеиничалик кувур ётқизувчи, технологик курилмаларни таъмирлаш бўйича чилангар, темирчи уста, темирчилик устахонасининг бошлиги вазифаларида ишлаб, хориждан келтириладига айрим металл ускуналарни корхонанинг ўзида ишлаб чиқиш, муддати ўтган деталларни қайта ишлаб, муддатини узайтириш технологиясининг ташаббускори бўлган. Бундай оғир меҳнат талаб қиласидан касбни мукаммал эгаллаган бу заҳматкаш инсон 1-чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутата даражасигача кўтарилиб, "Дўстлик" ордени ва "Ўзбекистон қаҳрамони" унвонлари билан тақдирланган.

Ўз касбини пухта эгаллаган ва юртимиз томонидан муносиб баҳоланаётган меҳнатсевар, заҳматкаш инсонларимиз сонининг чегараси йўқ. Зоро, Ватанимиз ва халқимиз ҳаёти шундай тиниб-тинчимас, фидоий инсонлар меҳнати билан гўзалдир. Бундай инсонларнинг ҳар бири ўзлари фаолият

кўрсатаётган соҳанинг билимдонлари ва жонкуярлари бўлиб, уларнинг ҳаёт йўлларидан шуни билишимиз мумкини, меҳнат ва касбга садоқат албатта, ёрқин келажакка йўлдир.

Шу маънодаги мацолашар матни билан танишириш болаларда таниқли инсонларнинг ҳаёт йўлларига цизиш ушотади. Уларнинг касб турлари ҳакида бершган маълумотлар эса астойдил цилингандек хамда мукаммал эгалланган касб ёки ҳунарнинг самарали меваси бўлишига ишончларини орттиради. Кўччилик ҳолларда мацолаларнинг ҳажмлари катта бўлганилиги сабабли ўқитувчи болаларга ўзи ўқиб бериб, улардан фикрларини сўраш, саволларига жавоб бериш орцили маълумотни етказсанда мацсадга мувофик бўлади. Бундай мазмундаги мацолалар ёки турли касб соҳибларининг ютуқлари (жумладан, спортчилар ҳақидаги маълумотлар) даре жараёни ва тарбиявий соатларда ўкувчилар онгига сингдириб борилса, уларда шу соҳоларга нисбатан кишиши ўйгониб, ўзларидаги ցобилиятларини намоён килишларига сабаб бўлади.

7. Ҳадислар, хикматлар, тез айтиш ва топишмоқлар. Уларни ўрганиш ва таҳлил этишда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш керак бўлади:

1. Таҳлил матнини қироат билан ўқиш.
2. Таҳлил матнига ижодий ёндашув.
3. Таҳлил матнига нисбатан мулоҳазали бўлиш.
4. Таҳлил матнининг ҳаётий қирраларини топишга интилиш.
5. Таҳлилий матнини ёд олиш билан тафаккурни бойитиш.
6. Нутқнинг тингловчига асосли ва таъсирчан бўлиши учун таҳлилий матндан ўринли фойдаланиш [21;94].

Дарсликларда мавжуд меҳнатсеварликка ундовчи хикматлардан намуналар:

## ХИКМАТЛАР

Хазина ғойибдан эмас меҳнатдан келади.

\*\*\*

Меҳнат инсонни улуғлайди.

\*\*\*

Орзу инсонга қанот бағишлиайди.

*Касб-ҳунарга йўналтириш мазмунидаги макрлардан*

намуналар:

## МАҚОЛЛАР

Ҳунар ошатар,

Меҳнат яшнатар.

\*#\*

Ҳунар - бир, пардоз - кирк.

\*\*\*

Ҳунар бўлса қўлингда,

Нон топилар йўлингда.

Ҳунар - зар, ҳунарсиз - хор.

\*\*\*

Ҳунар ошхўрга ош берар,

Нонхўрга — нон.

\*\*\*

Ҳунар - оқар булок,

Илм - ёнар чирок.

\*\*\*

Ҳунар тагида ҳунар бор.

\*\*\*

Ҳунар - туганмас ҳазина.

\*\*\*

Ҳунар тўйғизар,

От миндириб, тўн кийгизар.

**Хунар, хунардан ризқинг унар.**

**Хунари борнинг олтин билаги бор.**  
\*\*\*

**Хунари йўқ кишидан  
Бигизи бор ямоқчи яхши.**  
\*\*\*

**Хунари йўқ кишининг,  
Мазаси йўқ ишининг.**  
\*\*\*

**Хунарли йигит - мевали дарахт.**

**Хунарли киши оч қолмас.**  
\*\*\*

**Хунарли мой ошар,  
Хунарсиз лой ошар.**  
\*\*\*

**Хунарли эр хор бўлмас,  
Дўст-душманга зор бўлмас.**  
\*\*\*

**Хунарли ўлмас,  
Хунарсиз кун кўрмас.**  
\*\*\*

**Хунарлининг хунари  
Муродига етказар.  
Хунарсизнинг юраги  
Қаро ерга етказар.**  
\*\*\*

**Хунарманднинг нони бутун.  
Хунарсизнинг кирқими узун.**

**Кунт билан ўрган хунар,  
Хунардан ризқинг унар.**  
\*\*\*

**Хар ишнинг бир устаси бор,  
Хар устанинг бир устози бор.**  
\*\*\*

**Хар касбнинг ўз гашти бор.**  
\*\*\*

**Хар хунарнинг ўз сири бор,  
Хар ишнинг ўз ери бор.**

**Билаги зўр бирни йикар,  
Билими зўр — мингни.**  
\*\*\*

**Илмсизга ишонч йўқ,  
Хунарсизга қувонч йўқ.**  
\*\*\*

**Илму хикмат сувни ёндирап.  
Илму хунар елга эмас, элга**  
\*\*\*

**Йигит хусни - хунар.**  
\*\*\*

**Касб - касб, туби - насиб.**  
\*\*\*

**Касбнинг ёмони йўқ.**

**Ўз ўрнида муаллиф томонидан бошланғич синф ўқув-  
чиликнинг дунёқарашлари ва ўзлаштириш имкониятларига  
мослаштирилганлиги билан аҳамиятли бўлган касб номлари  
яширинган шеърий топишмоқлардан баъзилари тавсия  
қилинади:**

**Турли мебеллар ясад  
Бизни доим шод килар,  
Буни билишимиз даркор  
Касбнинг номи ...**

*(дурадгор)*

**Тандири лов-лов ёнар,  
Патиру, ширмой ёпар,**

Ҳамманинг дили-жони  
... дир касбнинг номи

(новвой)

Чиройли кийим тикар  
Ёрдамчиси бичувчи,  
Кўрганлар хавас қилас  
Унинг касби...

(тикувчи)

Соғлигимизни ўйлаб доим  
Танбех берар мулойим  
Маслаҳатлари қилса кор  
Хурсанд бўлар ...

(шифокор)

Қилас ширин таомлар  
Кабоб, шўрва, ош дамлар  
Мазали кулча нони  
... дир унинг номи

(ошпаз)

Кураг багчаш-ю, мактаб  
Уларга кўпдир талаб,  
Биноларни бузовчи  
Танти инсон ...

(курувчи)

Балдок, узук ясади,  
Шу хунарим бўлсайди.  
Ҳавасим келар ҳар гал,  
Касбнинг номидир ...

(заргар)

Экади пахта, буғдой  
Дехқончиликка топар жой.

Ердадир доим ҳасми  
... бобомнинг касби.

(фермер)

Ҳисоблар нафақа, маош,  
Қанча? Нечта? котирар бош.  
Ўйлаб кимлигин топчи,  
Тиниб-тинчимас ...

(хисобчи)

Савдо қиласди доим  
Нархни айтар мулойим  
Харидори-олувчи  
Менимча у ...

(сотувчи)

Тишларимни кўрибок,  
Тез-тез ювгин дер доим  
Кареисни даволайди,  
... менинг ойим

(стоматолог)

Мен ҳам бўламан бир кун  
Самоларни кезувчи  
Самолётда учади  
Катта акам ...

(учувчи)

Китобхонга килиб хизмат  
Китоб берар беминнат  
Энди ўзинг ўйлачи,  
Билсаудир ...

(кутубхоначи)

Тўқиб берар нимча, кўйлак  
Мен ҳам ўрганишим керак.

Тез-тез тўқир бўлиб жим  
... менинг бувим.

(тўқувчи)

Дараҳтларни парваришлаб  
Богу роғлар яратар  
Мева-чева хар томон  
Мехнатсевар бобо . . .

(декон)

Турли гуллар экади,  
Чаман-чаман бўлсин деб.  
Энди ўзинг ўлачи  
Гул экадиган . . .

(гулчи)

Бундай мазмундаги ҳикматли сўзлар, мацоллар бошлангич синф ўқувчиларининг билгши доирасини инобатга олиб, уларга мое келадиган, тезда эслаб цолса бўладашан ва ўқув предметлари дастуридан узоцлашмаган ҳолда танлаб олинган. Топишмоцларнинг эса шеърий усууда эканлиги болаларга анча цизицарли ва тпездә жавобини топшиларига ёрдам бериб, ижодий ёндашишларига сабаб бўлади. Шунингдек, бундай шеърий топшимоцни ёд олар экан ўқувчи ўз-ўзидан ўша касб ҳацида цисцагина ахборотга эга бўлади. Бошлангич синф ўқувчилари билан ўтшаётган дарсларда ҳар цандай бадиий жсанр турларига атрофлича изоҳ берибўтиши талаб цилинади.

Умумлаштирувчи дарс. Ўқитувчи томонидан умумлаштирувчи дарсдан қўйидаги мақсад кўзланади:

- ўқувчиларнинг бир неча дарсдан олган билимларини тизимга солиш;
- мавзуларда таҳлил этилган асосий фояларни умумлаштириш ва уларни ҳаёт билан боғлаш;
- ўрганилган билим моҳиятининг ўқувчи шахсига таъсирини аниклаш;
- ўзлаштирилган асарнинг тарбиявий характерный бел-

гилаш [21;98].

Умумлаштирувчи дарсларда ўқувчилар томонидан •)галланган билимлар, ўтилган мавзуларнинг ўзлаштириш даражасига караб баҳоланади.

Методик қўлланмаларда синфдан ташқари ўқии машғулотларининг хусусиятлари қўйидагилар билан белгиланиши кўрсатилган:

- синфдан ташқари ўқиш тизимининг боскичлари;
- ўқув вазифаларини тартибга солувчи дастур;
- ўқитувчининг ўз олдига қўйган тарбиявий йўналишдаги мақсади;
- ўқитувчиларнинг китобга нисбатан уйғонган мотивацияси [21;111].

Ўқувчарни касб-хунарга йўналтириши жараёнида улардаги ижодийлик ва мустацил фикрларни эркин билдириш қобилиятларини шакллантириши, турли касб-хунарларга оид ахборотларни мустацил баён этишларига имконият яратиш лозим. Бундай имкониятни ўқувчиларга ҳар хил соҳаларга оид расмлар тақдим этиб, шу расмлар асосида кичик ҳикоя тузиш, касбга бўлган муносабатини баён этиш ёки шунга оид ўзлари ёддан биладиган шеър, топишмоц, ҳикматли сўзларни сўраш ва шу асосида баҳолаши орцали бериш мумкин. Масалан:



#### МАТЕМАТИКА ФАНИ

Хар хил турдаги масалаларни ечиш амаллар маъносини очиб бериш, у ёки бу тушунча муносабатларининг шакллашпидан ташқари, ўқувчилар билим доираларининг кенгайи-

шига баъзи катталиклар ва улар орасидаги боғланишлар билан чукурроқ таниширишга хизмат қилади.

Масалалар ечишга дойр зарур малакаларни эгаллашлари учун ўқувчиларни турли ҳайтий берилган ва изланатгандар орасидаги маълум боғланишларни тушунган холда топишга ўргатиш керак. Масалалар ечиш малакасини хосил қилишда ўқувчилар масалани тахлил қилишнинг умумий методини қайтарзда эгаллаб олганликлари ва ўзлари мустақил ечимини топишга ёрдам берадиган воситаларни қандай ўзлаштирганликлари муҳим аҳамиятга эга. Бу воситалар масалалар шартини бир вақтда тахлил қилиб, қиска ёзиш, ечиш режасини тузиш, ечимини тегишли оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар билан изоҳлаш, ечимнинг тўғрилигини текширишдан иборат.

Шундай қилиб, масалалар устида ишлаганда ўқитувчи факат у ёки бу масалани ечиш малакасини шакллантирувчи хусусий малакаларни режали равишда ишлаб чикиш борасида гамхўрлик қилиши керак [1. -Б. 198]. Чунки масала ечишининг умумий мураккаб малакаси шу хусусий малакалардан ташкил топади.

Бошлангич синфларда ўқувчилар куйидаги малакаларни эгаллашлари зарур деб ўйлаймиз: [1. -Б. 198]

1. Масалани эшитиш ва уни мустақил ўқишиш малакаси.
2. Масаланинг бошлангич таҳдили.
3. Масалани қиска ёзиш малакаси [1. -Б. 199]?

*Масала устида ишлаш режасаси:*

1. Масалани ўқинг ва унда нималар тўғрисида ганирилаётганини ўзингизча тасаввур қилинг.
2. Масалада нима маълум ва нимани билиш кераклигини билиб олинг. Агар масала мазмунини тахлил қилиш кийин бўлса, уни қисқача ёзинг.
3. Ҳар бир сон нимани кўрсатишини қиска ёзув бўйича тушунтириб беринг ва масала саволини қайтаринг.
4. Масала саволига бирданига жавоб бериш мумкинми, ўйлаб кўринг. Агар мумкин бўлмаса, нима учун мумкин эмаслигини тушунтиринг? Олдин нимани, сўнг нимани билиш мумкин? Ечиш режасини тузинг.

5. Ечишни бажаринг.
6. Ечишни текширинг ва жавобини ёзинг.
7. Ўз-ўзингизга «қизик» саволлар беринг ва шу саволларга жавоб топинг. Чизишни бажаринг [15; 210].

Ҳар бир масалани ечишда келтирилган режага катъий амал қилиш умуман шарт эмаслигини назарда тутиш керак [15; 211].

Касб-хунарга йўналтириш мазмунидаги масалаларни китобдан излаб топиш ёки бўлмаса тузишни юкорида кўрсатилган масала устида ишлаш режаси асосида амалга ошиrsa ҳам бўлади. Фақат мазкур режага касб-хунарга йўналтириш жиҳатдан ёндашиш керак. Масалан, куйидаги масалалардан намуналар келтирамиз:

#### 1-МАСАЛА

Дурадгор 24 ҳаракатда тайёр бўладиган столчани хафтанинг шанба ва якшанба кунлари, ҳар куни 2 ҳаракатдан бажариб борди. Столча неча хафтада тайёр бўлди.

Жавоби:  $2 \times 2 = 4$ ,  $24 / 4 = 6$ . Столча 6 хафтада тайёр бўлди.

#### 2-МАСАЛА

Сотувчи битта харидорга 1кг олма (1000 сўм), 4та тухум (хар бири 250 сўм), 2та нон (хар бири 500 сўм), 2 кг конфет (1 кг 2000 сўм) сотди. Сотувчи жами неча сўмлик савдо қилди?

Жавоби:  $4 \times 250 = 1000$ ,  $2 \times 500 = 1000$ ,  $2000 \times 2 = 4000$

$$1000 + 1000 + 1000 + 4000 = 7000$$

Савдогар 7000 сўмлик савдо килган.

#### 3-МАСАЛА

Дехкон ўтган йили жами 5 жўяқ картошка экиб, ҳар бир жўяқдан 20кг дан хосил олган эди. Бу йил жўяклар сони 8 тага етди, аммо ҳар бир жўякнинг хосили ўтган йилгидан 4кг кам. Дехкон ўтган йили ва бу йил қанчадан хосил олган?

Жавоби:  $5 \times 20 = 100$ ,  $20 - 4 = 16$ ,  $16 \times 8 = 128$

Дехкон ўтган йили жами 100кг, бу йил 128кг хосил олган.

#### 4-МАСАЛА

1та қурувчи бир соатда 45 та гишт теради. 4 та қурувчи 3 соатда нечта гишт теради?

Жавоби: $45 \times 4 = 180$ ,  $180 \times 3 = 540$

4 та курувчи 3 соатда 540 та гишт теради.

#### 5-МАСАЛА

"Энг мохир хунарманд" танловида 12 та тикувчи, ундан 2та кам зардўз, 5 та кулол, бта сартарош қатнаши. Уларнинг жами нечта эди?

Жавоби:  $12 - 2 = 10$ ,  $12 + 10 + 5 + 6 = 33$

Жами 33 та хунарманд қатнаши.

#### 6-МАСАЛА

Битта астроном олим 1 кунда 5 та юлдузни кузатади, 4 та астроном 3 кунда нечта юлдузни кузатади.

Жавоби:  $5 \times 4 = 20$ ,  $20 \times 3 = 60$

3 кунда 4 та астроном 60 та юлдузни кузатади.

## ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИ

### 1-матн

Ватанимизнинг табиати ғоят гўзал. Айниқса эрта баҳорда далаларимиз гуллаб-яшнаб кетади. Мехнаткаш бободеҳқонларимиз кейинги йил мўл хосил олиш учун сабзавотлар, мевалар, дуккакли ўсимликлар экишни бошлиб юборишиди. Фермерларимиз гулчилик, асаларичилик, дехқончилик каби ўнлаб соҳаларда ўз ишларига киришиб кетишади. Чорвадорларимиз эса ўзларига тегишли бўлган сигир, эчки, қўй, бузок, қуён, балиқ, каби юзлаб-минглаб жониворларни парваришлаб, баҳор чоғи уларни янги сабза ўтлардан емиш тайёрлаб озиқлантирадилар. Уларни асраб-авайлаб ветиринар назоратидан ўтказиб туришади. Бу барча меҳнатсевар юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатлари халқимизнинг тинчтотув, фаровон турмуш кечиришлари учун қаратилгандир.

Матн юзасидан саволлар:

1. Сабзавот, меваларни кимлар етишитиар экан?
2. Уй хайвонларини қандай касб эгалари тиббий назорат киларкан?
3. Ушбу матндан яна қандай қишлоқ хўжалиги соҳаларини билиб олдингиз ва сиз улар ҳақида нималарни биласиз?

### 2-матн

Бир куни Азиза шундай бир жойга бордики, эшигидан кирибоқ хайратдан лол қолди. У ерда гулларнинг турли навлари: району лолалар, чиннигулу атиргуллар, бинафша-ю мойчечаклар хушбўй ҳид таратаётган эди. Гуллар-Пинг тартиб билан бир каторда ва бир текис қилиб жилганлиги, жўяқ ораларида хеч қандай бегона ўтларнинг кўринмаслиги, ҳатто уларнинг бўйлари ҳам бирхиллиги ва албатта ноёб турлари ҳам жуда кўплиги унинг хайратини ошириди. уни бу ерга шу хунарга бўлган қизиқиши етаклаб келган эди. Шундай қилиб Азиза, албатта бундай мўъжизавий манзара яратиш сирини мукаммал ўрганишга аҳд килди.

Матн юзасидан саволлар:

1. Азиза қаерга борган эди?
2. У қандай хунар эгаси бўлишга аҳд қилди?
3. Сизнинг бу соҳага қизиқишининг қандай?

### 3-матн

Ёз, куз фаслларида бобомнинг боғига борсангиз табиатнинг гўзал манзарасидан баҳра оласиз. Бобом бу боғда олманинг турли хил навлари, беҳи, шафтоли, ўрик, анжир, тут, олхўри хуллас кўплаб мевалар етишитирадилар. Бу дараҳтларни манзарали қилиб кесиб қўйиш, уларни курт-қумурскалардан асраш, меваларни вактида йиғиб-териб олиш каби ишларни бобом назорат қиласидилар. Бобом боғларига келган меҳмонларни тагидан ширдираб сув оқиб, табиатнинг ёқимли шамоли ғир-ғир эсиб турадиган манзарали-баҳаво жойга жойлаштирилган сўрига таклиф қиласидилар. Меҳмонлар билан кўпинча бундай гўзал манзарали дараҳтларни парваришлаш учун нималар қилиш кераклиги ҳақидағи фикрлари билан ўртоқлашадилар.

Матн юзасидан саволлар:

1. Бу қандай соҳа вакили?
2. Бобонинг қандай хунари бор?
3. Сиз қандай дараҳт турларига қизиқасиз ва уларни ўсиришни хоҳлайсизми?

#### **4-матн**

Она диёримиз турли табиий бойликларга ғоятда бой. Олтин, мис, кумуш, олtingугурт, каби күплаб минерал хом ашёлар, кумир, нефть, табиий газ, торф каби қазилма бойликларнинг күплаб турлари қазиб олинади. Бу табиий бойликларимиз мамлакатимиз саноатида жуда муҳим ўрин тутиб, ҳалқимизнинг тинч осойишта ва фаровон хаёт кечиришлари учун сарфланади. Бундай қазилма бойликларнинг қазиб олиниши ва тайёр маҳсулот холатига келтирилиши учун минглаб меҳнаткашларимиз ўз хиссаларини қўшадилар.

**Матн юзасидан саволлар:**

1. Қазилма бойликларни қазиб олишда қандай касб эгалари меҳнат қиласидилар?
2. Заргарлар турли заргарлик буюмларини ясашда қандай табиий бойликлардан фойдаланишади?

#### **ОНА ТИЛИ ФАНИ**

Она тили дарсларини шундай ташкил қилиш керакки, бунда ўқувчилар тил ҳақидаги қонунлар билан бир қаторда атроф-муҳит, инсон, табиат ва жамият ҳақидаги тушунчаларни ҳам ўзлаштириши зарур бўлади. Бошлангич синфнинг она тили дарсларида касб-хунарга йуналтириш мазмунидаги диктант, баён, иншо ёзиш ва машқлар ечишнинг тарбиявий аҳамияти куйидагилардан иборат:

**1. Она тилидан касб-хунарга йуналтириш мазмунидаги машқларни бажариш касб-хунарга оид тушунчаларнинг шаклланишига ёрдам беради.**

**2. Бундай фаолият табиатдаги турфа ўзгаришларни ижтимоий фойдали меҳнат билан биргаликда боғлашга ўргатади.**


**3. Уқиш дарсларида касб-хунарга йуналтириш мазмунида бадиий асар матни устида ишлаш ўқувчини ўзини қуршаб олган атроф-муҳит ва ундаги меҳнатни онгли англашга йўналтиради.**

**4. Синфдан ташқари ўқиш ўқувчидаги китоб устида мустақил ишлаш, меҳнатни таҳлил қилиш каби хислатларни шакллантиради.**

**5. Одна тилидан касб-хунарга йуналтириш мазмунидаги диктант, иншо ва баён ёзиш эса касбий фикрлашга муҳит яратади.**

Она тили фанидан касб-хунарга йуналтириш мазмунидаги машқларни бажаришни тавсия киласиз:

**1-машқ.** Берилган расмлардан бир хил касбга гегишли бўлган предметларни топиб, касб номи билан кетма-кетликда ёзинг.




**2-машқ.** Матнда келтирилган касб номларини ажрагиб ёзинг.

Инсон яшар экан унинг бу дунёдаги зийнати, танлаган касби, хунаридир. У хоҳ тикувчи бўлсин, хоҳ қурувчи, ўқигувчими, ёзувчими, умуман қандай касб эгаси бўлишидан катъий назар ўзи танлаган касбига меҳр қўйган бўлиши лозим.

Ўз ишининг устаси бўлган инсонлар халқ орасида эъзозга эришади. Чунки кундалик ҳаётда кўп ишимиз тушадиган сартарош соchlаримизни тартибга келтирса, шифокор бетоблигимизда ёрдам беради, сантехник уйимиздаги носозликларни бартараф этиб кўнглимизни ёритса, дехконларимиз дастгурхонимизга турли нозу неъматлар етказиб беради.

3-машқ. Бошқотирмани ечиш. Берилган сўзларни ўзига мое катакчаларга жойлаштиринг.

Учувчи  
Шифокор  
Фарроп  
Кулол  
Кутубхоначи  
ДАН ходими



4-машқ. Нуқталар ўрнига **-ув**, **-чи**, **-ош** қўшимчалиридан бирини қўйиб касб номларини топинг.

Уч.-чи, хайкалтар..., гул..., тўк...чи, , бўёк..., нақ..., сувок..., кур...чи, сартар..., ўқит...чи, фарр....

5-машқ. Касб номларидағи унли ҳарфларни топиб ажратиб ёзинг.

**Савдогар, шифокор, ўқитувчи, хайдовчи, сотувчи, дурадгор.**

6-машқ. Куйидаги қандай касбларнинг расмлари берилган. Уларни топинг ва бўғинларга ажратиб ёзинг.



**ЭСЛАТМА!** Ушбу топшириқлардан даре ва дарсдан ташқари машгулотлар жараёнларида фойдаланашеа фойдадан холи бўлмайди.

## ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА БОШЛАНГИЧ (ИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙУНАЛТИРИШ КЎНИКМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОНДАЛАНИ III

Фан-техниканинг жадал ривожланиши мустақил мамлакатимизда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг киёфасини тубдан ўзгартириб юбормокда. Хозирги замон ишлаб чиқаришидаги кўпгина касблар фақат маълумотли кишиларнигина эмас, балки юксак ривожланган, ижодий қобилиятга эга касб эгаларини ҳам жалб қилишни талаб қилмокда.

Бошлангич синф ўқувчиларига таълим ва тарбия беришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этиш ўқитувчининг гоявий эътиқоди, касб маҳорати, санъати, истеъоди, ижодий фаолияти ва маданиятига ҳал қилувчи даражада боғликдир.

Дарсдан ташқари машгулотлар даре жараёнда олинган тушунчаларни мустаҳкамлашга қаратилади. Дарсдан ташқари машгулотларда, тўгаракларни ташкил этишда ўқувчиларни касб-хунарга йуналтириш масалалари эътиборга олинади.

Бошлангич синф ўқувчиларида дарсдан ташқари машгулотлар ёрдамида касб-хунарга йуналтириш куйидагича шакллантирил ад и:

- дарсдан ташқари машгулотларни уюштириш;
- дарсдан ташқари машгулотларнинг самарали шакллари ва услубларидан унумли фойдаланиш;
- дарсдан ташқари машгулотларни уюштиришда ўқувчиларнинг ёши ва қизиқишларини эътиборга олиш;
- дарсдан ташқари машгулотларни ташкил этишда ахборот технологияларини амалга оширишнинг восита ва жамгармаларини яратиш кабилар.

Хар қандай дарсдан ташқари машгулот маълум бир мақсад асосида ташкил этилади ва ўтказилади. Маълумки, дарсдан ташқари машгулотлар таъсирчан эркин мавзуда олиб борилади. Дарсдан ташқари машгулотларнинг ҳалқ оғзаки ижоди ва касбий қадриялар негизида яратилиши мақсадга мувофиқдир.

**Бошлангич синф ўқувчисининг дарсдан ташқари Машулотларда иштирок этиши ва унинг даре жараёнида ўзлаштирган касб-хунарга йуналтириш кўникмаларини амалда қўллаши натижасида унда ўз-ўзини касб-хунарга йуналтириш шаклланади.**

**Дарсдан ташқари машгулотларнинг шакл ва услублари куйидаги 1.1-расмда келтирилган.**

#### **Дарсдан ташқари машгулотларнинг шакллари**

Тарбия-вий соат	Маъруза	Раэм	Саёҳат	Тўгарак
-----------------	---------	------	--------	---------

#### **Услублар**

Хикоя килиш	Баён ёзириш	Оғзаки, ёзма савол ва жавоблар	ўйинлар	Кузатиши	Курсатмали ва техник восита-лар	Таништириш	Сухбат	Мустақил фикрлаш
-------------	-------------	--------------------------------	---------	----------	---------------------------------	------------	--------	------------------

**Дарсдан ташкдри машгулотлардан намуналар келтирамиз.**

**Тўгаракнинг ҳар бири учун ўз мақсад ва режалари тузилади. Биринчи гурӯҳ ўқувчилари билан мактаб дастуридан ташқаридаги саволлар кўрилиб мураккаброқ касбга оид масалалар ечилади. Тўгарак машғутида ўқувчиларнинг ўзлари маърузалар (маълумотлар), қизиқарли саволларга диққат каратишади. 3-4-синф ўқувчилари учун тўгарак машғутини 2.1-жадвалда тавсия қиласиз.**

#### **2.1-жадвал**

#### **«Касблар алифбоси» тўгарагининг дастури (III-IV синф)**

Т/р	Мавзулар	Назарий машгулотлар (соат)	Амалий машгулотлар (соат)	Жами (соат)
1.	Кириш.	2		2
2.	Касблар олами.	2		2
3.	Шифокор	2	2	4
4.	Ўқитувчи	2	2	4
5.	Дехдон.	2	2	4
6.	Хайдовчи	2	2	4
7.	Боғбон	2	2	4
8.	Сартарош	2	2	4
9.	Савдогар	2	2	4
10.	Милиционер	2	2	4
11.	Гулчи	2	2	4
12.	Учувчи	2	2	4
	Жами	24	20	44

**Дарсдан ташқари машгулотлар орасида маърузаларни ташкил этиш ғоятда мухим хисобланади.**

Танланган мавзуларга оид маърузалардаги принципиал қизикишга эга бўлган, мактаб дастуридан четга чикувчи, у ёки бу касб-хунарга йуналтириш тушунчалари ёки иловалар, айrim саволларни чуқуррок ёритиб беради. Маърузага тайёргарлик жараёни давомида ўқувчилар ўз эҳтиёжларига караб маслаҳат олишлари мумкин. Бундай маърузалар устида ишлаш тартиби куйидагича:

Суҳбатлар ўқувчиларни касб-хунарга йуналтириш максадида, бирор каебнинг машхур киши лари ҳақида олиб борилиб, бу жараёнда уларнинг касб сирларини қандай даража чгаллаганликлари ва натижалари ҳақида сўз юритилади. Ўқувчиларни қизиқтириш максадида олиб бориладиган суҳбат мавзуси қаҳрамонларнинг ўзларидан таклиф олиниб, шунга кўра маълумотлар берилса, янада самарали натижага эриши-

лади. Мазкур сұхбатлар 3-4-сinf ўқувчилари учун режалаштириләди.

**Тарбиявий соат.** Бошлангич синф ўқувчиларида "Ким бүлсам экан?", "Мен танлаган касб", "Мехнатнинг роҳати" каби ўқувчиларни меҳнат ва касб-хунарга йуналтириш мазмунидаги мавзуларда тарбиявий соат ўтказилади. 1-2-сinf ўқувчилари учун мазкур мавзулар асосида расмлар чизилади ёки турли тарқатма материал учун тайёрланган касб номлари ва эгалари акс этган расмлардан фойдаланилади. 3<sup>4</sup>-сinf ўқувчилари томонидан раем билан бирғаликда ўzlари кизиққан касблар ҳақида хикоя қилиб берилади.

**Саёхат.** Бошлангич синф ўқувчиларини мактаб биносида ишлаётган касб эгаларининг хоналари билан танишириш максадида саёхатлар (1-сinf ўқувчилари билан) уюстириләди. 2-4-сinf ўқувчилари эса табиат кўйнига, касалхонага, сартарошхонага, дўконга олиб борилади. Мазкур саёхатларда олинган таассуротлар 1-2-сinf ўқувчилари раем асосида, 3-4-сinf ўқувчилари раем хамда хикоя асосида тасаввур этилади.

#### ДАРС ВА ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШФУЛОТЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР- ГА АСОСЛАНГАН ТОПШИРИКЛАРДАН НАМУНАЛАР

Бошлангич синflарда даре ва дарсдан ташқари машгулотларнинг турли хил ўйин ва мусобақалари шаклида ўтилиши самарали натижа беради.

**УИИН -** ижодийлиги билан ажralиб турадиган ўзига хос усулдир. У мумкин кадар бой, фаол характер - "ижод майдони" га эга бўлади. Ўйинларда ҳиссий кўтаринкилик бўлиб, у ўзаро кураш, мусобақалариш, рақобат шаклида намоён бўлади. Ўйинлардан фойдаланиш тушунчалар, мавзу, ва хатто ўкув предметларини ўзлаштиришда ўқитишнинг самарали методи ва мустақил технологияси сифатида фойдаланилади. Ўйинларнинг тарбиявий мақсади мустақиллик, иродани тарбиялаш, муайян ёндашувлар, нұқтаи назарлар, жамоага киришиб кета

олиши, коммуникативликни тарбиялашга қаратилган бўлади.  
|7;87-Б]


**Масалан:** табиатшунослик дарсларида фойдаланиш учун:

#### "БОҒБОН" ўйини

**Шарти:** мевали карточкаларнинг орка томонига турли хил касб-хунарга йуналтириш мазмунидаги саволлар, топширикларни ёзиб, меваларни синф хонасидаги дараҳт макети ёки доскага илиб чиқамиз. Синф ўқувчиларини икки гурӯхга бўлиб, гурӯх ўқувчиларини боғда мева теришга таклиф қиласиз.



(Дараҳтдаги  
меваларни ким  
етишитиради?)



(Табиатшунослик  
фанида қандай  
касблар ҳақида  
билиб олдингиз?)




(Полиз  
екинларини ким  
етишитиради?)



(Далалардаги  
зкинларга ким сув  
кўяди?)



(Лимоннинг қан-  
дай фойдали ху-  
сусиятлари бор?)



(Олтин, кумуш  
металларидан ким  
буюмлар ясади?)


**ЭСЛАТМЛ!** Ушбу ўйинда саволларга гурӯх аъзолари келишган ҳолда жавоб беради. Ўйин давомида бир вацгда бир печа ўқувчини баҳолаши имкониятни мавжуд. Ўйин тугагач ўқувчилардан саволлар ҳақидаги фикрларини: Сизга қандай мевалар ёқди? Қайси мева ҳали яхши пишмабди? Сиз яна

цандай меваларни ейшини хоҳлайсиз? каби цициарли саволлар бериб билиб олиши мумкин.

Бундан ташқари яна бир қанча ўйинларни ташкил қилиш мумкин. Масалан: "Билимдон қатор" ўйини бунда, синфни З гурухга бўлиб, гурухларга бир хил топширик берилади ва белгиланган вақт тугагач, натижалар текширилади. Ёки, "Ким топкир" ўйини, бу ўйинда хар бир ўқувчига алоҳида топширик берилиб, хар бир жавобга алоҳида изоҳ сўралади. Шунда ўқувчининг белгилаган жавоби узок вакт ёдида сақланиб қолади. Бу ўйинларнинг аҳамиятли жиҳати топшириклар қизикарли рангли суратлар ёки шаклли бошқотирмалар тарзида бўлади.

Мазкур топшириклар ўрнида фойдаланиш учун касб-хунарга йўналтириш мазмунидаги кроссворд, ребуслардан мисоллар келтирамиз:

#### КРОССВОРДЛАР:




1. Қабулхонада ўтиради. Компьютерда матнларни ёзади.
2. Тахтадан турли буюмлар ясади.
3. Гулларни ўстириб, парваришлайди.

4. Расмлар, портретлар чизади.

5. Турли хил шириндан-ширин таомлар пиширади.

Жавоби: 1-котиба, 2-дурадгор, 3-гулчи, 4- рассом, 5-ошпаз.




1. Ўқувчиларга таълим-тарбия берадиган устоз.
2. Бозор ва дўконларда савдо килувчи ходим.
3. Қурилиш биноларини сувайдиган инсон.
4. Сихат-саломатлигимизни назорат қилиб, даволайди.
5. Ҳар хил иплардан кийимлар тўқииди.

Жавоби: 1-ўқитувчи, 2-сотувчи, 3-сувоқчи, 4-шифокор, 5-тўқувчи.



Шакларга мөс кедувчи харфлариниң катакларга жойланытсынгиз  
мехнатта ойд халқ мәқоли келиб чикади



**Жавоби:** Хунар бўлса қўлингда  
Нон топилар қўлингда

### REBUS



--	--	--	--	--	--	--

**Rebusni yeching**

**Жавоби:** Дурадгор

### REBUS




**Rebusni yeching**

**Жавоби:** Кулол



Шакларга мөс кедувчи харфлариниң катакларга жойланытсынгиз  
мехнатта ойд халқ мәқоли келиб чикади



**Жавоби:** Илмисизга ишонч йўқ,  
Хунарсизга қувонч йўқ.

### REBUS



**Rebusni yeching**

**Жавоби:** Учувчи

**Бошлангич синф ўқувчиларига кроссвордлар ва турли тарбиявий ва таълимий аҳамиятга эга бўлган ребуслардан фойдаланиб ўйинлар ташкил қилинса, ўтилган мавзуларнинг ўзлаштирилганлик даражасини янада аникроқ бўлишига ёрдам беради. Бундай шакдаги топшириқларни умумлаштирувчи дарслар ва дарсдан ташқари машғулотлардан турли қизикарли ўйинлар шаклида фойдаланиш мумкин.**

Уқувчилар билан олиб бориладиган машғулотлар жарайнида мазкур топшириқ турларидан фойдаланилганда, ўқитувчидан топширикнинг асосий шакли қўргазмали қурол сифатида ҳар бир ўқувчига тарқатиш ёки синф тахтасида акс эттиришни талаб этади. Ўйинлардан барча дарсларда тегишли дарснинг мазмунига мослаштириб фойдаланса бўлади.

Ҳар бир машғулотни бир-биридан қизикарли ҳамда ноанъанавий шаклда ташкил қилиш ўқитувчидан чуқур изланишни, мустаҳкам билим, юкори малака ва тажрибани талаб қиласди.

## ХУЛОСА

**Илмий тадқикот жараёни куйидаги хулосаларга олиб келди:**

- бошлангич синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш мақсадида дарсларни ташкил этиш ўз самарасини беради.
- мазкур дарсларни тизимли олиб бориш ва ўқув жараёнида ўқувчиларнинг ўқув-билиш ролини ошириш, шунингдек, уларни касб-хунарга йўналтириш кўникмалари сифатини сезиларли даражада оширишга ёрдам беради.
- ушбу тадқикот иши назарий муаммоларни амалий фаолият, шунингдек, бошлангич синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш кўникмаларини шакллантиришнинг услубий асослари билан узвий боғлайди.
- касб-хунарга йўналтириш мазмунидаги топшириқларнинг бажарилиши назорати, ўқувчи билимларининг бирор мавзуга бағишланганлигига ижодий фаолиятини харакатда қолишига ёрдам бериш билан бир каторда уларнинг фикрлаш кобилиятини ривожлантиришга ҳам имкон беради.
- касб-хунар мазмунидаги машқларни бажаришда инновацией технологиялар ва интерфаол услублардан фойдаланиб, ўқувчи ўқув-ижодий фаолиятини фаоллаштириш модели ишлаб чиқилади.
- касб-хунарга йўналтиришга оид ижодий машқларни компьютер технологиясидан фойдаланиб бажариш жарайнида ўқувчи касбий фаолиятини фаоллаштириш имкониятлари аникланди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР  
РЎЙХАТИ**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1997. - 64 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзузи. - Т.: Шарқ, 1999.-184 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - 63 б.
5. Абдуллаева Қ., Аликулова Х., Раҳмонбекова С. Одабнома. 2-синф учун дарслик. - Т.: Узбекистан, 2010. - 80 б.
6. Абдуллаева Қ., Юсупов М., Маҳмудова М., Раҳмонбекова С. Ўқиш китоби. 2-синф учун дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 2010. - 192 б.
7. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ-2003.-116 б
8. Баратов П., Фофуров А., Тошмуҳамедов А. Табиатшунослик. -Т.:Чўлпон, 2006.-200 б.
9. Баҳромов А. Табиатшунослик. 3-синф учун дарслик. - Т.: Чўлпон, 2010.-120 б.
10. Бикбаева Н., Янгабаева Е. Математика. 2-синф учун дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 2010. - 208 б.
11. Бикбаева Н., Янгабаева Е. Математика. 3-синф учун дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 2010. - 208 б.
12. Бикбаева Н., Янгабаева Е. Математика. 4-синф учун дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 2003. - 207 б.
13. Григорянц А. Г., Вельская Е. М., Мирзаахматова Ш. М. Табиатшунослик. 4-синф учун дарслик. - Т.: Чўлпон, 2003. - 112 б.
14. Григорянц А. Г. Атрофимиздаги олам. 1-синф учун дарслик. - Т.: Чўлпон, 2010. - 56 б.
15. Жумаев М.Э., Жумаев Э.Э., Адилханова Н.А. Математика ўқитиш методикаси. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма. - Т.: Илм-Зиё, 2003. - 231 б.
16. Комилова Т.О. Мактабгача ёшдаги (5-6 ёш) болаларга экологик тарбия беришда халқ топишмокваридан фойдаланишининг педагогик имкониятлари. Пед.фан.ном.дис. ... автореф. - Т.: 2005. - 22 б.
17. Мавлонова Р.А., Раҳмонкулов Н.Ҳ. Бошлангич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. - Т.: 2006. - 99 б.

18. Матчонов С, Шожалилов А., Ғуломова Х., Сариев Ш., Долимов З. Ўқиш китоби. 4-синф учун дарслик. - Т.: Янгийўл полиграф сервис, 2009. - 272 б.
19. Мирзаев Т, Мусакулов А, Саримсоқов Б., Ўзбек халқ мақоллари. - Т.: Шарқ 2005, - 257 б. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Бошлангич таълим // Таълим тараккиёти. 7-максус сон. - Т.: Шарқ, 1999. - 480 б.
20. Эргашев Ш, Нуриддинов Қ, Алимходжаева С, Турдиева Қ, Ҳайдаров Ф, Санакулов Ҳ., Касблар алифбоси.1-4 синфлар учун ўқув қўлланма. - Т.: "Юрист-медиа маркази"-108 б.
21. Эрназаров Ғ. Бошлангич синфларда она тилини ўқитиш услубиёти. - Т.: Илм-Зиё, 2005. - 136 б.
22. Гаффорова Т., Шодмонов Э., Эштурдиева Г. Ўқиш китоби. 1-синф учун дарслик. - Т.: Шарқ, 2010.- 128 б.
23. Гаффорова Т., Шодмонов Э., Ғуломова Х. Она тили. I-синф учун дарслик. - Т.: Шарқ, 2010. - 112 б.
24. Ғуломова Р., Мирзаахматова Ш. Атрофимизда и олам. 2-синф учун дарслик. - Т.: Чўлпон, 2010. - 96 б.
25. Қосимова Қ., Фузайлов С, Неъматова А. Она тили. 2-синф учун дарслик. — Т.: Чўлпон, 2010. — 128 б.
26. Қўчкоров А., Сариковна Ш., Усмонова Р., Раҳмонов У. Математика. 4-синф учун дарслик. - Т.: Янгийўл полиграф сервис, 2009.-208 б.
27. Ҳасанбоева О., Неъматова А., Туропова М. Одабнома. 3-синф учун дарслик. 4-нашри. - Т.: Узбекистан, 2010. - 112 б.
28. Ҳасанбоева О., Неъматова А., Султонмурод Олим. Одабнома. 4-синф учун дарслик. — Т.: Узбекистан миллий энциклопедияси, 2009. - 96 б.
29. Ҳасанбоева О. Одабнома. 1-синф учун дарслик. - Т.: Узбекистан миллий энциклопедияси, 2010. - 64 б.
30. Ҳошимов К. Куни узайтирилган гурухларда таълим-тарбия назарияси ва методикаси. - Т.: Шарқ, 2007. - 272 б.

## МУНДАРИЖА

## *Кайдучун*

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>Даре жарайнида бошлангич синф ўкувчиларини касб-хунарга йўналтиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш.....</b>	<b>5</b>
<b>Эртаклар яхшиликка етаклар.....</b>	<b>12</b>
<b>Касб-хунарга оид шеърий парчалар.....</b>	<b>22</b>
<b>Касбларидан фаҳр топтан қаҳрамонлар.....</b>	<b>24</b>
<b>Дарсдан ташқари машғулотларда бошлангич синф ўкувчиларини касб-хунарга йўналтириш кўнимкамаларини шакллантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш.....</b>	<b>41</b>
<b>Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш учун инновацион технологияларга асосланган топшириклардан намуналар.....</b>	<b>44</b>
<b>Хулоса.....</b>	<b>51</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>52</b>

**Н.Х.ХАФИЗОВА**

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ-  
ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ  
АСОСЛАРИ**

*"Сано-стандарт" - Тошкент, 2011*

**Нашр учун масъул М.Умирова  
Мухаррир А.Тилавов  
Техник мухаррир И.Зохидова  
Компьютерда тайёрловчи М.Косимова**

Наш.лиц. № А1 177, 03.01.2011. Босишига 24.05.2011-йилда  
руҳсат этилди. Бичими: 60x84 Ү, Офсет босма. 3,5 б/т.  
Адади: 300. Баҳоси шартнома асосида

«Сано-стандарт» нашиёти, 100190, Тошкент шахри,  
Юнусобод-9, 13-54. Тел. (+99871) 228-07-96

"Сано-стандарт" МЧЖ босмахонасида босилди. Тошкент шахри,  
Широк кўчаси, 100 уй. Буюртма раками №601.  
E-mail: [sano-standart@mail.ru](mailto:sano-standart@mail.ru)